2007 ЙИЛ, 19 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 74 (10.883) | Баҳоси эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОҲИРА УЧРАШУВЛАРИ

**(ҚОҲИРА, 18 АПРЕЛЬ. ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ АНВАР БОБОЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Миср Араб Республикаси Президенти саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳусний Муборак шоҳсупага кўтарилдилар. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, Ўзбекистон ва Мисрнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ва Ҳусний Муборакнинг Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ёндашувлари ўхшаш. Гуманитар ҳамкорлик доирасида илм-фан, таълим, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алоқалар фаоллашмоқда. Иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам истиқболи порлоқ. Юқори технологиялар, саноатнинг бир қатор тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш – булар ҳам ҳамкорлик, ҳам тажриба алмашиш учун қулай соҳалардир.

Икки мамлакат ҳам ташқи сиёсатда тинчликпарварлик тамойилларига таянади. Миср Қўшилмаслик ҳаракати асосчиларидан бири бўлса, Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббускоридир. Президентлар террорчилик, экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашишда ҳамжиҳатлик билан иш тутиш зарурлиги борасида ҳамфикрдирлар.

Президентлар раҳбарлигидаги Ўзбекистон ва Миср расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакатда ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Лекин бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Масалан, юқори технологиялар, жумладан, биотехнология соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сайёҳлик ҳам устувор йўналишлардан. Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хивани зиёрат қилиш истагида бўлганлар, Ўзбекистонда эса Мисрнинг тарихий обидаларини, хусусан, эҳромларни кўриш иштиёқидаги сайёҳлар кўп. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ҳамкорликнинг улкан имкониятлари намоён бўлди.

Илмий-маданий алоқалар бу йўналишдаги кўп асрлик ҳамкорлик тажрибаси ва анъаналарига таянади. Нил дарёсида улуғ бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний томонидан IX асрда бунёд этилган сув миқёсини ўлчайдиган иншоот бугун ҳам хизмат қилиб келаётганининг ўзи ёрқин мисолдир. Икки мамлакатнинг академик доиралари, маданият ва санъат намояндалари яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Олимлар қадимий қўлёзмаларни ўрганиб, реставрация қилмоқда. Мисрлик хонанда ва созандалар орасида Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали катта довруғ қозонган.

Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бирбирига кўмак бераётир. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Томонлар барча соҳаларда ўзаро манфаатдорлик асосида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов "Кубба" қароргоҳида Миср Бош вазири Аҳмад Назиф билан учрашди. Мулоқот чоғида ушбу ташриф Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши таъкидланди. Томонлар савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Ўзинфоинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулғайтни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, маслаҳатлашувларни мунтазам йўлга қўйиш масалалари хусусида сўз борди.

Миср араб дунёсининг етакчи мамлакатларидандир. Араб давлатлари лигасини ташкил этиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам расмий Қоҳира муҳим ўрин тутган. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ушбу ташкилот Бош котиби Амр Мусо билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги, у орқали араб давлатлари билан муносабатларини ривожлантириш масалалари асосий мавзу бўлди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Араб давлатлари лигаси Бош котибияти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қоҳира марказидаги Номаълум аскар монументи ва Анвар Саодат мажмуини зиёрат қилди, ёдгорликлар пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҲАР ИККАЛА ПАЛАТАСИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР, СЕНАТНИНГ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ МУТАСАДДИЛИК ҚИЛДИ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

«Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш истиқболлари» деган мавзуда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида ўтказилган семинарда қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш хусусийлаштириш соҳасидаги бозор муносабатларини жадал ривожлантириш тақозо этган объектив зарурат эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга бу соҳадаги мавжуд қонун ҳужжатларида бир-бирини такрорловчи нормалар кўп, қолаверса, улар умуман олганда, шиддат билан ривожланиб бораётган қимматли қоғозлар бозорининг акциядорлар ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган талабларига тўлиқ жавоб бермайди, фонд бозорини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва изчиллигини акс эттирмайди. Айни ана шу сабаблар «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини яратишга туртки бўлди. Бу қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, муомалага киритиш ва бекор қилишда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида «Қимматли қоғозлар бозорининг қонунчилик асослари: жорий ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари» деган мавзуда бўлиб ўтган семинар иштирокчилари мамлакатимиздаги қимматли қоғозлар бозорида кечаётган теран ўзгаришлар жараёни аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўналишда муҳим қадам бўлиб қолди. Мазкур қарорда қимматли қоғозлар бозорини унинг ошкоралиги ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлаш йўли билан янада равнақ топтириш, корхоналарни давлат тасарруфидан тўлиқ чиқариш ва янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини жадал тараққий эттириш ва унинг кўламларини кенгайтириш, фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилишини яхшилаш назарда тутилган.

Муҳокама асносида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори талаблари асосида амалдаги қонунларимизга бир туркум ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизмини янада эркинлаштириш мақсадида «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги амалдаги қонунларимизнинг нормаларини муайян бир тизимга соладиган, қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва ривожлантириш соҳасидаги халқаро қонунчилик тажрибаси ҳам инобатга олинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фонд бозоридаги мавжуд камчиликлар хусусида семинар иштирокчилари томонидан қатор танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам айтиб ўтилди. Акциялари ташкилий тартибдаги биржа бозорларининг ва биржадан ташқари бозорларнинг савдо майдонларида бўлган эмитентларга доир маълумотларнинг электрон базаси йўқлиги, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ўриндошлик фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларига кўра тақиқланганлиги шундай камчиликлар сирасига киради. Қимматли қоғозларнинг минтақавий ва маҳаллий бозорлари воситалари ҳамиша ҳам минтақавий иқтисодиёт ҳамда минтақавий молия бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда шакллантирилаяпти деб бўлмайди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда қимматли қоғозлар иккиламчи бозори ривож топмаган, бу борадаги тушунтириш ишларининг даражаси ва кўламлари талабларга монанд эмас.

Семинарда қонун ҳужжатларининг миллий фонд бозорини халқаро тизимга интеграциялашга доир талабларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга, қимматли қоғозлар бозори институтларини янада ривожлантириш ҳамда фонд бозорининг янги молиявий воситаларини амалиётга жорий этишга, корпоратив бошқарув усулларини татбиқ этиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш борасида акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг масъулиятини оширишга қаратилган аниқ-равшан таклиф ва мулоҳазалар муҳокама этилди.

Иштирокчилар қимматли қоғозларни чиқариш ҳамда муомалага киритиш кўламларини кенгайтиришда ҳуқуқий рағбатлантириш омиллари зарур эканлиги ҳақидаги таклифларни ҳам айтиб ўтдилар.

Муҳокама якунлари асосида семинарларнинг иштирокчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Семинарларнинг ишида депутатлар, сенаторлар, вазирлик ҳамда идораларнинг, акциядорлик жамиятларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шу жумладан акциядорлар ва олимлар иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг матбуот хизматлари**

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

**ПОЙТАХТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ЁРИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТОШКЕНТДАГИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН БИРГА, УЛАРНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ҲАМКАСБЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛДИЛАР.**

Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Видеоконференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маънавият тарғиботчилари, мамлакатимиздаги газета ва журналлар, электрон нашрларнинг раҳбарлари иштирок этди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг моҳиятига бағишлаб ўтказилган йиғилишда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, корхона ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишларга масъул ходимлари иштирок этишди.

●**БУГУН** Юнусобод туманидаги 544-мактабча таълим муассасасида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

●**ЎТГАН** куни акциядорлик тижорат «Ҳамкор» банки ташаббуси билан банк ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда кичик бизнесни ривожлантиришда банк ва тадбиркорларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш чоралари муҳокама қилинди.

●**ЎТГАН** куни Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтказилган Болалар фестивали Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорликларида уюштирилди.

●**ХАЛҚАРО** бизнес марказида Ўзбекистон Босма мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилган видео конференция «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли» деб номланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув-йиғин пунктида Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишга отланган бир гуруҳ ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими ўтказилди.**

**●«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти қошида эронлик ҳамкорлар билан ташкил этилган «Taael porme servis»қўшма корхонаси фаолият бошлади. Бу ерга Германия ва Англиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, бир кеча-кундузда 400 тага яқин елим идишлар ишлаб чиқарилмоқда ва бу маҳсулотларнинг асосий қисми Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Эрон ва Покистонга экспорт қилинмоқда.**

**●Хоразм вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари, муассаса раҳбарлари ва бошланғич ташкилотлар раисларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар—жамоа ва меҳнат шартномаларини тузиш, ташкилотнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш хусусида сўз борди.**

**●Жиззах шаҳридаги «Зилолатекс» акциядорлик жамиятида касаначилик асосида 110 киши фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили улар томонидан умумий қиймати 18 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, касаначилик асосида фаолият кўрсатаётганларнинг барчаси корхона томонидан тикув машиналари ҳамда хом ашё билан таъминланган.**

**●Гулистон шаҳрида тоза ичимлик суви тармоқларини такомиллаштириш лойиҳасининг дастлабки босқичи якунланди. Лойиҳа асосида 16 километрлик узунликда янги сув қувурлари ётқизилди. 2007 йилнинг охиригача эса яна 17 километр масофага қувурлар ётқизилади. Ушбу мақсадлар учун 1420 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.**

**●Қаршида БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан «Оилавий таълим дастури: илк болалик давридан ривожланиш» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.**

**●Қўқон шаҳрида «Саломатлик байрами» тадбири бўлиб ўтди. У «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси», «Аёллар кенгаши» жамоатчилик бирлашмаси ва «Саломатлик плюс Экология» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан уюштирилди.**

**●Огаҳий номли Хоразм вилоят мусиқали ва драма театрида «Сўнган умидлар» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Янги саҳна асарида гиёвандликнинг аср вабоси эканлиги таъсирчан ва ҳаётий тарзда очиб берилган.**

### ЖАҲОНДА

**●Украина пойтахти Киевда парламент коалицияси ва мухолифат ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Мухолифатчилар Конституцион суд биносига кираётган бир нечта судьяларнинг йўлини тўсиб қўйдилар. Можаролар натижасида мамлакат бош прокурори юрак хуружи билан касалхонага ётқизилди.**

**●Эстония армияси қўмондони генерал-майор Антс Лаанеотс Болтиқбўйи давлатларига мурожаат қилиб, мазкур мамлакатлар ҳарбий ҳаво кучларини ягона бўлинмага бирлаштириш таклифи билан чиқди. Кузатувчиларнинг билдиришича, ушбу таклифга ҳозирча Латвия ва Литва давлатлари муносабат билдиргани йўқ.**

**●Кеча Бағдоднинг турли қисмларида бешта миналаштирилган машиналарнинг портлатилиши 150 кишининг умрига зомин бўлди, юзлаб кишилар яраланди. Айниқса, Садрия бозорида халқ тўпланиб турган жойда амалга оширилган террорчилик ҳаракатининг 112 кишининг ўлимига сабабчи бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.**

**●Афғонистоннинг Кобул шаҳридан 70 километр шимолда жойлашган Каписа музофотидаги аҳоли пунктига Толибонлар ҳужум уюштирди. «Толибон» ҳаракатининг 100 га яқин жангарисининг йўллардаги полиция постлари, музофот маъмурияти биносига қилган ҳужуми натижасида 5 нафар полициячи яраланди, жангарилардан бир нечтаси эса йўқ қилинди.**

**●Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳри марказида гиёванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳ ва полиция ходимлари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди. Сўнгги маълумотларга қараганда, отишмалар пайтида 19 киши ҳаётдан кўз юмган.**

**●Уэльс пойтахти Кардифф шаҳрида кеча футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионатининг мезбони аниқланди. Ушбу ҳуқуқни Украина ва Польша давлатлари қўлга киритишди.**

**●Кемеровонинг «Ульяновск» шахтасида рўй берган йирик ҳалокатдан сўнг бир ой давомида амалга оширилган қидирув ишлари якунланди. Кеча кондан бедарак йўқолган деб ҳисобланаётган 2 шахтёрнинг жасади топилди. Уларнинг дафн маросими бугун ўтказилади.**

**●Мурманск шаҳрида қурилаётган кўп қаватли уй тўсатдан қулаб тушди. Натижада унинг тагида қолган олти нафар қурувчининг учтаси ҳаётдан кўз юмди. Ушбу нохуш воқеага қурилиш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилганлиги сабаб бўлганлиги аниқланди.**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳою ҳуй деб бир нафас кўнглингни хушла, зеро, ҳай дегунча бу дунёда на сен қоласану ва дўстларинг.

**Ҳар кун ул юз қиймати тағйир топса, айб эмас,**
**Икки кун бир навъ бўлмайдур гули бўстонға нарх.**

У юзнинг баҳоси ҳар куни ўзгариб турса ажаб эмас, чунки бўстондаги гулнинг нархи икки кун бир хил турмайди.

**Ҳуснға чун йўқ вафо, бас, тут вафони муғтанам,**
**Неча кун, эйким, санга маҳбублуғ давронидур.**

Ҳусннинг вафоси йўқ, бас, вафони ғанимат бил. Унутмаки, бошқаларга севимли бўлиш даври ҳам бир неча кундир.

**Ҳар неча давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,**
**Англаким, бир қатла барқи офатиға арзимас.**

Шуни яхши англаким, давлат булути бошингдан ҳар қанча дуру гавҳар сочмасин, уларнинг барчаси бир марта чақиладиган чақмоғининг офатига арзимайди.

**Ҳар неча қилдим вафо, жуз бевафолиғ кўрмадим,**
**Не ажаб, кўнглумга бўлса навъи инсондин малол.**

Ҳар қанча вафо кўрсатмай, эвазига хиёнатдан бошқасини кўрмадим. Шунинг учун инсон зотидан кўнглим қолганлиги ажаб эмас.

**Ҳимматинг бор эса, дунё шўхидан озод бўл,**
**Шоҳида маккора майли хўб эмас фарзонадин.**

Ҳимматинг бор бўлса, дунё гўзали муҳаббатидан озод бўл, оқил кишига бу маккор нозанинга кўнгил бериш ярашмайди.

**Ҳийла ожизлиғдин айлар ошиқ, англа, эй кўнгул —**
**Ким, забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвез эрур.**

Ошиқ қачонки ожиз қолса, ҳийла ишлатади. Эй кўнгил, билгилки, ишқ бобида Хусрав Парвез Фарҳоддан забунроқ эди.

**Ҳар он шахсе, ки напсандад касеро,**
**Бувад дур аз тариқа дардманди.**
**Начандан аст написандидани халқ,**
**К-аз инаш лозим оядат худписанди.**

Бошқаларни назар-писанд қилмайдиган киши дардмандлик тариқатидан узоқ бўлади. Халқни бундай назар-писанд қилмасликдан кибру ҳаво туғилади.

**Ҳар ки, ў рост гашту равшандил,**
**Дар сияҳжоли даҳр бадрўз аст.**
**Шамъ, к-ўро байт асту базмафрўз,**
**То дами мурданаш ҳама сўз аст.**

Ким тўғри-ю, кўнгли покиза бўлса, дунёнинг қоронғи зиндонида унинг куни қорадир. Шамга боқ: хонадоннинг равшани-ю, базмларнинг гули бўлса-да, қисмати сўнгги нафасигача куйишдан иборат.

**Ҳар чиз расад зи аҳли даврон маҳурўш,**
**В-аз қисми азал зиёдаро беш макўш,**
**Барбанд зи ношундани рахнаи гўш,**
**В-аз ҳар чи ногуфтани, забон дор хомўш.**

Замон аҳлидан сенга ҳар нимаики етмасин — нолима, азалдан белгиланган тақдирингга рози бўл-у, уни ўзгартиришга беҳуда уринма. Эшитиш жоиз бўлмаган гап-сўзларга қулоғингни кар қил, айтиш лозим бўлмаган ҳар қандай гапдан тилингни тий.

**Ҳар нечаким, ҳусн диловезрак,**
**Ишқ ўти эл кўнгли аро тезрак.**

Ҳусн қанча мафтункор бўлса, кўнгилдаги ишқ ўти шунча кучли бўлади.

**Ҳозиқ табиби хушгўй тан ранжига шифодур,**
**Омию тунду бадхўй эл жониға балодур.**

Моҳир ва ширинсўз табиб тан дардига даводир, нодон баджаҳл ва бадфеъл бўлса, эл жонига балодир.

**Ҳунарларни топмоқ — едурмакдур ва айбларни ёпмоқ — кийдурмакдур.**

Одамларга едирсанг — фазилат соҳиби бўласан, кийдирсанг — айбларингни ёпасан.

**Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздум юз**
**бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим.**

* * *

**Ҳар душвор ишки, мол сарф этмак била муяссардур, қилмасанг жонға хатардур, сарфин ғанимат бил ва саломат сори азимат қил.**

Бирор мушкул иш мол сарф қилиш билан битадиган бўлса-ю, уни ҳал этмасанг, ўзингга зарар етадиган бўлса, сарф-харажатдан қочма-ю, тинчлик-хотиржамлигингни таъминла.

**Ҳар кўнгулки, тил синонидин жароҳатдур, ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур.**

Тил тиғидан жароҳатланган кўнгилга мулойим сўз ва ширин тил малҳам ва роҳатдир.

**Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,**
**Вуслат башорати яна жисмиға жон берур.**

Ҳижрон қўрқуви ҳақидаги хабар ошиқни ҳар қанча ўлдирса ҳам, висол муждаси яна унинг жисмига жон бағишлайди.

**Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,**
**Яна айла таъзиму ҳурматни фош.**

Ҳаё адаб билан яша, яна таъзиму ҳурматни одат қил.

**Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидан кўнгулларни шод қилмағай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо била ёд қилмағай.**

Қайси бой-бадавлат киши тириклигида хайру эҳсони билан одамларнинг кўнглини шод қилмаса, ўлганидан кейин ҳеч ким уни дуо билан ёд этмайди.

**Ҳар кишини дема маҳраму ҳамроздурким, бу матоъ олам аҳлида оздур.**

Ҳар кишини ўзингга ҳамдарду сирдош деб билма, бундай одамлар оламда оздир.

**Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 122-ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Нуримов Равшан Толипович номига берилган O'R-SH 0476801 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Тадбирлар*

# БИЗ СУВ ИЧГАН БУЛОҚЛАР

**ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 274-МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМДА «ОҚТЕПА» МАҲАЛЛАСИНИНГ ФАОЛ ЁШЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎТКАЗИЛГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ АНЖУМАН «БИЗ СУВ ИЧГАН БУЛОҚЛАР» ДЕБ НОМЛАНДИ.**

«Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши, 274-мактаб раҳбарияти ҳамкорликларида уюштирилган ушбу тадбир Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

Тадбирда иштирок этган Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова, шоир Маннон Тожи, «Оқтепа» маҳалласи фаоли Гулчеҳра Каримоваларнинг ёзувчининг ҳажвий ҳикоя, пьеса, романлари, Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» китоби, сўз санъаткорининг тили, маҳорати ҳақида сўзлаб берган хотиралари ўқувчиларда катта таассурот уйғотди.

Шунингдек, 9-синф ўқувчилари томонидан тайёрланган «Нишонга урилган сўзлар», «Абдулла Қаҳҳор айтади», «Замондошлар фикри», «Теша тегмаган гаплар» мавзуидаги маърузалар мазмунан бойлиги билан кўпчиликнинг ёдида қолди.

—Тадбиримиз дебоча,—дейди бу ҳақда 274-мактаб ўқитувчиси Маҳмуда Валиева,—биз Абдулла Қаҳҳор таваллудига бағишлаб кейинги ойларда яна кўплаб тадбирлар ўтказишни, адиб ҳикоялари асосида саҳна кўринишлари тайёрлашни, бунда қаҳҳоршунос олимларни, ёзувчи, шоирларни кечаларимизга таклиф этишни режалаштирганмиз.

Адабий-бадиий анжуман сўнгида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Комилов фаол қатнашчиларга бадиий китоб ҳамда эсдалик совғаларни тақдим этди.

Бундай тадбирлар ўқувчи камолотида ўз натижасини эртами-кечми, албатта кўрсатади.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Ҳамшаҳарларимиз*

# ҲИММАТ КАМАРИНИ БОҒЛАГАН



**ЖАННАТИ ИНСОН ҲАЁТИ ДАВОМИДА СЎЛИМ БОҒЛАР, ЙЎЛУ КЎПРИКЛАР, ТУРЛИ ИМОРАТЛАР ЯРАТИШ ИШҚИ БИЛАН ЯШАЙДИ. АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ НИЯТЛИ КИШИЛАРНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ТУФАЙЛИ ШАҲАРЛАР ОБОД БЎЛАДИ, МАҲАЛЛАЛАРГА МУДОМ ФАЙЗ-БАРАКА КИРАДИ.**

Бундай улуғвор ишларни бир кунда ё бир йилда амалга ошириб бўлмайди. Бугунги азим тераклларни ҳам қачонлардир қўли гул боғбонлар экканлар! Ўша дарахтлар неча ўн йилларки шаҳримиз ҳуснига ҳусн, тароватига тароват қўшиб келади! Энди улар ўрнини ёш ниҳоллар эгалламоқда. Шунинг баробарида ўша кўпни кўрган, тажрибали боғбонлар, ишбилармон кишилар ҳам эндиликда ёшларга ҳаёт тажрибаларидан сабоқ бериб, уларнинг муносиб камолга етиши учун узу-кун қайғурмоқда. Яккасарой туман «Нуроний» жамғармаси раиси Ҳикматулла ота Охунжонов ҳам ана шундай саховатли инсонлардан биридир.

Етмишинчи баҳорини қаршилаётган пиру бадавлат отахон бутун фаолиятини шаҳримизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдек хайрли ишларга бахшида этди. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тамомлаган Ҳ.Охунжонов меҳнат фаолиятини 1959 йилда пойтахтдаги тепловозлар ремонти заводида депо устасига ёрдамчиликтлиги билан тезда жамоада эътибор қозонди. Кўп ўтмай катта уста мақомига эга бўлди. Темирнинг тилини шунчалик билган йигитнинг одамлар дилига қанчалик йўл топишини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Жамоа кенгашларидан бирида уни корхона касаба уюшмаси раиси этиб сайлашди.

Заводда ўн йилдан ортиқ темир билан тиллашиб, оддий ишчилар билан эллашган Ҳикматулла ака 1971-1997-йилларда масъул вазифаларда фаол меҳнат қилди.

— Юртимиз Истиқлолга эришган дамларда биз учун чинакам эзгулик қуёши балқиб чиққандек бўлди, — дейди Ҳикматулла ака ҳаяжон билан. — Эътибор берган бўлсангиз, азим пойтахт шаҳримиз кун сайин чирой очмоқда. Ҳар куни минглаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Айниқса, ҳар йили ўнлаб замонавий мактаб, коллеж, лицей, кўприк ва бошқа иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Аслида ана шу улуғвор ва улкан ишлар бошида азиз Юртбошимизнинг ўзлари бош-қош бўлиб турганлари барчамиз учун ибрат мактабидир.

Нур нурга талпинади, деганларидек, одамохун инсон ҳамиша эзгуликка интилиб яшашини ҳозир дилдан айтган сўзларидан ҳам билса бўлади. Зеро, ўн йилдирки, бу тиниб-тинчимас отахоннинг Яккасарой туман «Нуроний» жамғармаси раиси сифатида амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқдир. У киши аввало ҳар бир инсон қалбига йўл топади. Сўнгги йилларда туманда истиқомат қилаётган 1650 дан ортиқ иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган байналмилал жангчиларнинг тиббий муассасаларда даволанишлари, сўлим оромгоҳларда имтиёзли дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишда бош-қош бўлди. Меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, турли тоифадаги ногиронларга ҳар йили 2-3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 27 нафар ногирон махсус аравачалар билан таъминланди. Бундай ғамхўрликлардан мамнун қариялар, ногиронлар «Нуроний»лар етакчисини нечоғлик дуо қилишларини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ижтимоий ҳимоя йилида бу тиниб-тинчимас отахоннинг «ташвишлари» янада ортган. «Ўткан кунлар» романида Юсуфбек ҳожининг «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо чиқиб кетмасин» деган машҳур сўзларини дилкаш отахон ўзича ўзлаштириб олган. Яъни, у кишининг бугунги «шиор»и шундай: «Ижтимоий ҳимоя йилида ҳамма шукрона айтиб яшайди!»

**Шавкат МИРАЛИМОВ, Тўлқин ЭШБЕК**

*Спорт янгиликлари*

# ГИМНАСТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**БУХОРОДА НАФИС СПОРТ ТУРИ— БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.**

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган иқтидорли бадиий гимнастикачилар ўртасида қизиқарли, кескин ўтган беллашувлар якунида энг кўп баллга эга бўлган Тошкент шаҳри жамоасига биринчи ўрин насиб этди.

Мусобақага анча пухта тайёргарлик кўрган бухороликлар иккинчи ўринни эгаллашган бўлса, Самарқанд вилояти бадиий гимнастикачилари учинчи ўрин билан кифояланишди.

Шахсий биринчилик баҳсларида муваффақиятли қатнашган Алиса Ажимирова, Жамила Тўхтаева, Эвелина Калишева ва Лида Давидовалар мухлислар эътирофига сазовор бўлишди ҳамда совриндорлар сафидан жой эгаллашди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «УЧҚУН» ВА «ХАДРА» СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ТЕННИС КОРТЛАРИДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗДАН ТАШҚАРИ РОССИЯ, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОНДАН КЕЛГАН ЖАМИ 134 НАФАР СПОРТЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.**

# ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒОЛИБ ЧИҚДИ

1989-1991 йилларда туғилган теннисчилар баҳсида ўсмирлар ўртасида андижонлик Жонибек Ўрозалиев, пойтахт вакиллари Ботир Сафоев ва Самат Пифтор кучли учликдан жой олди. Қизлар баҳсида эса китоблик Лола Азимова ҳамда пойтахтлик Диана Қўчқоровани ортда қолдирган Алина Баронова (Тошкент) биринчи ўринни эгаллади.

1992-1993 йилларда таваллуд топган ўғил-қизлар ўртасида барча совринли ўринлар пойтахт вакилларига насиб қилди. Ушбу турнир Темур Исмоилов ва Алиса Огородова ғалабаси билан якунланган бўлса, ўғил болалар ўртасида Шуҳрат Саидмуҳамедов ва Равиль Гусейнов, қизлардан Диёра Саидмуҳамедова ҳамда Сабина Шарипова совриндор бўлди.

Энг кичик ёшдаги теннисчилар гуруҳида тошкентлик теннисчи қизлар — Алина Абдураҳимова, Полина Мелькова ҳамда Нателла Набиева совринли ўринларни эгаллади. Ўғил болалардан Павел Цой, Иброҳим Каримов ва Жамол Муҳаммад-Аҳмадга етадигани топилмади.

# ТАИЛАНДДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

**ТАИЛАНД ПОЙТАХТИ БАНГКОК ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛАДИГАН «ҚИРОЛ КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА БУ ЙИЛ 32 МАМЛАКАТДАН КЕЛГАН 179 НАФАР БОКСЧИ ЎН ИККИ ВАЗН ТОИФАСИДА ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.**

Шароф Худойбердиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан тўққиз нафари шоҳсупага кўтарилди. Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган Элшод Расулов, Шерзод Абдураҳмонов, Жасурбек Матчонов ва Рустам Саидовга олтин медаллар топширилди.

Финалга йўлланма олган Баҳодир Султонов, Зокир Ортиқов ва Беҳзод Юнусов кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Орзубек Шойимов ҳамда Баҳодир Мамажонов учинчи ўринни эгаллаб, бронза медални қўлга киритди.

Халқаро турнирда тўртта олтин, учта кумуш ва иккита бронза, жами тўққизта медалга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

**Боҳир БЕК**

*Мунажжим башорати*

# ЯНГИ ИШЛАР ОМАДЛИ БЎЛАДИ

**20 АПРЕЛЬ, ЖУМА**

**Қуёш бугун куннинг иккинчи ярмида Бузоқ буржининг 1-даражасига киради. Бу ҳолат чапдастлик, куч-қудрат ва ақл билан боғлиқ, дейишади мунажжимлар. Уни "тантаналар даражаси" деб ҳам аташади. Шунинг учун ҳам бугун ғалабани кўзлаб узоқ курашга дадил киришаверишингиз мумкин.**

Қуёш тақвимининг биринчи куни пухта ўйланган ишлар учун омадли кун ҳисобланади. Танбаллик қилиш, одамлардан ажралиб қолиш мумкин эмас, ижодий ташаббускор бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Оймомамиз ҳолати бугун йўлни танлаш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун янги ишга қўл уришдан олдин "етти ўлчаб бир кесиш" талаб этилади. Ҳар қандай шошма-шошарлик қатъиян ман этилади. Тасодифан бирон нарсани тўкиб юбориш қашшоқлик ёки яқинларингиз билан уришиб қолишни билдирувчи нохуш аломат ҳисобланади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ООО «MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»**

приглашает на открытые аукционные торги на повышение, которые состоятся **24 апреля и 1, 8мая 2007 года в 15.00** в здании **«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»** по адресу: г. Ташкент, Ц-14, д. 19 (2-й этаж).

**На торги выставляются:**

1. Имущественный комплекс ликвидируемого АО «Охангаронлинпласт», которое расположено в промышленной зоне г. Ахангарана, Ташкентской области

**Стартовая цена 3 804 600 000 сумов.**

На предприятии установлено оборудование, имеющее производственную мощность на выпуск в год 4300 тыс. кв. м линолеума, 23000 тыс. к. м различной пленочной продукции, 200 тонн полиэтиленовых труб, а также 500 тонн различной продукции, изготовляемой из пластмассы.

Краткая характеристика зданий:

общая площадь — 23,0 га, площадь здания и сооружения — 18,6 га, производственная площадь — 4,3 га;

— 4 караульных помещения площадью: 9,12 кв. м,10,56 кв. м, 9,42 кв. м, 26,52 кв. м;

— 7 производственных цехов и 4 производственных здания площадью: 273,7 кв. м, 53,11 кв. м, 1012,05 кв. м, 1273,3 кв. м, 12767,5 кв. м, 122,83 кв. м, 172,8 кв. м, 6210,9 кв. м, 313,73 кв. м, 172,63 кв. м, 43,68 кв. м;

— здания 11 складов площадью: 914,86 кв. м, 336,42 кв. м, 402,28 кв. м, 203,7 кв. м, 673,5 кв. м, 89,79 кв. м, 97,44 кв. м, 162,56 кв. м, 301,66 кв. м, 74,71 кв. м, 742,14 кв. м;

— 3 водоема площадью: 207,36 кв. м, 106,79 кв. м, 114 кв. м;

— 3 двухэтажных здания площадью: 665,82 кв. м, 298,87 кв. м, 982,8 кв. м;

— 11 навесов площадью: 320,76 кв. м, 76,7 кв. м, 17,1 кв. м, 443,05 кв. м, 419,56 кв. м, 510,3 кв. м, 987,6 кв. м, 66,24 кв. м, 22,18 кв. м, 115,2 кв. м, 24,36 кв. м;

— 18 зданий по снабжению площадью: 46,75 кв. м, 33,86 кв. м, 45,48 кв. м, 29,78 кв. м, 20,7 кв. м, 27,04 кв. м, 14,52 кв. м, 48,06 кв. м, 44,46 кв. м, 85 кв. м (двухэтажное), 14,56 кв. м, 28,32 кв. м, 75,64 кв. м, 13,96 кв. м, 2251,1 кв. м (трехэтажное), 1871,5 кв. м (двухэтажное), 9,24 кв. м, 42,78 кв. м;

— здание ГСМ — 103,84 кв. м, бункер — 414 кв. м, кран — 581,41 кв. м, магазин — 105,09 кв. м, библиотека — 262,08 кв. м, подземное водохранилище — 398,37 кв. м, автохозяйство — 614,84 кв. м, здание столовой — 403,63 кв. м.

2. Двухэтажное здание профилактория, расположенного в Урта-Чирчикском районе, пос. Туябугиз (Ташморе), общей площадью — 14723 кв. м, площадь строительства — 585,80 кв. м. Профилакторий состоит из спально-лечебного корпуса — 368 кв. м, сауны — 54 кв. м, здания столовой — 163,8 кв. м.

**Стартовая цена — 165 116 000 сум.**

Прием заявок на участие в аукционе прекращается за 1 час до начала торгов.

Желающие участвовать в открытом аукционе должны внести сумму задатка в размере 10 % от стартовой цены объекта, на расчетный счет организатора торга

**ООО «MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»**
**р/с 20208000804555055001, Халк банк, ТШАБ МФО 00821, ИНН 300053338**
**тел. 144-88-04.**

Автотранспортное средство марки «Хундай Греис» г/н 10 AN 478, выставленное на аукционные торги, объявленные в газете «Тошкент окшоми» от 26 января 2007 года за № 18, по распоряжению Государственного комитета имущества г. Ташкента снимается с аукционных торгов.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 11 апрель 2007 йил № 69-сонида чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳар Сергели тумани Дўстлик кўчасида жойлашган савдо-маиший хизмат ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган сатҳи 0,06 га бўлган ер участкасининг бошланғич баҳоси 5.295.324 сўм деб ўқилсин.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 306

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13:00